



Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 101 (11.662)

Баҳоси эркин нархда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Кўргазмалар

### КЕНГ ҚАМРОВЛИ МАҲСУЛОТЛАР

**КЕЧА «Ўзкўргазмасавдо» мажмуасида пойтахт саноат ярмаркаси ўз ишини бошлади. Унда шахримизда фаолият юритаётган йирик корхоналар, шунингдек 100 нафардан зиёд кичик бизнес субъектлари ўз маҳсулотларини намойиш этмоқда.**



— Мамлакатимиз Президенти томонидан иқтисодийнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, маҳаллий ишлаб чиқаришни рағбатлантириш бўйича қабул қилинган тегишли фармон ва қарорларига асосан ушбу йўналишдаги субъектларга солиқ ва боғжона тўловларидан имтиёз берилган. Иқтисод қилинган маблағларни корхоналар имкониятини кенгайтиришга, ишлаб чиқариш жараёнини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, ҳам ашё ва бутловчи қисмлар учун йўналтириб бормоқда, — дейди

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғи Шавкат Мирзаев. — Анъанавий тарзда ўтказилаётган ярмарка қаратилмаётгани яққол кўзга ташланмоқда. Кўргазма-ярмаркада намойиш этилаётган жиловчи кўзларни қувватловчи чинни буюмлар, турфараңларда товланувчи гиламлар турли қурилиш материаллари, трикотаж ва чарм кийим-кечаклар, пойабзаллар, машиш электр жиҳозлари, бежирим қадқолланган озиқ-овқат маҳсулотлари маҳаллий ишлаб чиқарувчиларимизнинг юксак дид ва маҳоратидан далолат беради. Уларнинг ички ва ташқи бозорда ўз ўрнини топиб, мустақам фаолият юритиши, маҳаллийлаштириш дастури имкониятларидан самарали фойдаланиши, шунинг баробарида кўшимча иш ўринлари яратишида ярмарка каби тадбирларнинг аҳамияти каттадир.

**Муҳаббат ХАБИБУЛЛАЕВА СУРАТЛАРДА: пойтахт саноат ярмаркасида лавҳалар Козим Ўлмасов олган суратлар**

## Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ИЖРОСИ УСТИДАН ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ

**Кунни кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Спикери Д.Тошмухамедова олиб борди.**

Депутатлар муҳокамасига Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2009 йилдаги ва 2010 йилнинг биринчи чорагидаги ижроси тўғрисидаги масала киритилди. Давлат бюджетининг ижроси устидан парламент назорати Олий Мажлисининг конституциявий ваколатларидан келиб чиқадиган асосий вазифаларидан биридир. Шу муносабат билан мамлакат асосий молиявий ҳужжати параметрларининг ижро этилиши масалалари дастлаб ҳафта давомида барча сиёсий партияларнинг фракцияларида, Ўзбекистон экологик ҳаракатининг депутатлар гуруҳида, шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг қатор кўмиталарида Иқтисодиёт, Молия вазирлиги ва бошқа идораларнинг мутахассислари ва экспертлари жалб этилган ҳолда чуқур ўрилди. Давлат бюджетининг жойлардаги ижроси билан боғлиқ айрим масалалар депутатлар томонидан шу соҳадаги аҳвол тўғрисида янада тўғрироқ тасаввур ҳосил қилиш учун минтақаларга чиқилган ҳолда ўрилди. Ўрганиш чоғида аниқланган айрим муаммоларни ҳал қилиш йўллари ишлаб чиқариш, шунингдек, муҳокамалар чоғида қўйилган масалалар бўйича қўшимча материаллар, мутахассисларнинг маълумотлари ва ахбороти сўраб олинди. Мазкур масалалар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Кенгашида ҳам чуқур таҳлил қилинди. Барча мазкур ишлар парламент кўйи палатасининг мажлисида ўзининг мантқий ечимини топди. Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — молия вазир Р.Азимов Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2009 йилги ва 2010 йилнинг биринчи чорагидаги ижроси тўғрисида маъруза қилди.

Жаҳон иқтисодий таназзулининг салбий оқибатларига қарамай, мамлакатимизнинг асосий молиявий ҳужжати ҳисобот даврида илгари Олий Мажлис томонидан тақдирланган кўрсаткичларга мувофиқ ижро этилганлиги таъкидланди. Бюджет ижроси жараёнида асосий эътибор Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов томонидан Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида белгилаб берилган мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор йўналишларини амалга оширишга қаратилди. Қабул қилинган чоралар натижасида мамлакатимиз ялли ички маҳсулоти, саноат маҳсулоти, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши, улгуржи товар айланмаси, пуллик хизматлар кўрсатиш ҳажми ўсди.

Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини биринчи навбатда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, маҳсулот таннархини пасайтириш, ко-

операциявий алоқаларни кенгайтириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотига бўлган ички талабни рағбатлантириш ҳисобидан таъминлаш бўйича чора-тадбирлар комплекси амалга оширилди. 2009 йилда маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ҳажми 2,3 баробар ошди, 120 дан зиёд янги маҳсулот турларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Жаҳон бозорларидаги ўта ноқулай конъюнктура шароитларида мамлакатимиздаги экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш борасида қўрилган чора-тадбирлар натижасида экспорт ҳажмининг 2,4 фоизга ўсиши таъминланди. Иқтисодиётни тузилмавий жиҳатдан ўзгартириш ва диверсификация қилиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва технологик жиҳатдан янгилаш, инвестицияларни, биринчи навбатда, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш сиёсати изчил амалга оширилди. 2009 йилда автомобил-созликда, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш соҳасида, кимё, озиқ-овқат, энгил саноат, фармацевтика саноати ва бошқа тармоқларда янги ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилди. Автомобиль ва темир йўл транспорти тизимлари ҳамда телекоммуникацияларни илдам ривожлантириш борасида фаол иш олиб борилди. 2009 йилда қабул қилинган инқирозга қарши чора-тадбирлар натижасида 940 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилди, шундан 500 мингга яқини қишлоқ жойларга тўғри келди. Ўтган йили мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётида эришилган ютуқлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг жорий йил биринчи чорагидаги муваффақиятли ижроси учун яхши асос яратди. Қўрилган чоралар натижасида саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг, қишлоқ хўжалиги, қурилиш ишлари, улгуржи савдо айланмасининг барқарор ўсиш суръатлари таъминланди. Фаол инвестиция сиёсати ва стратегик аҳамиятга эга бўлган модернизация лойиҳаларининг амалга оширилиши, иқтисодиёт етакчи тармоқларининг техник ва технологик жиҳатдан янгиланиши ўзлаштирилган капитал қўйилмалар ва тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажмининг ўтган йилнинг ҳозирги даврига нисбатан ортиши учун имконият яратди. 118 та янги ишлаб чиқариш объекти, шу жумладан, энгил ва тўқимачилик саноатда — 15 та, озиқ-овқат индустриясида — 41 та, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда — 56 та, машинасозлик ва бошқа соҳаларда — 6 та янги ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилди. Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети жорий йилнинг биринчи чорагида профит билан ижро этилди. (Давоми 2-бетда).

## МАМЛАКАТИМИЗДА

- Бугун Ўзбекистон Миллий университети маданият саройида Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицейи ва касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича Республика IV босқич олимпиадаси бошланди.
- Республика Халқ таълими вазирлиги ҳамда Тошкент вилояти педагог кадрлари қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти томонидан «Соғлом турмуш тарзи маданиятини шакллантириш — баркамол авлодни тарбиялашнинг асоси» мавзусида семинар-тренинг ташкил этилди. «Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида уюштирилган ушбу анжуманда таълим тизими мутасаддилари, ўқитувчилар, услубчи ва психологлар иштирок этди.
- Бухоро вилояти Қоровулбозор туманида «Донолик ва ташаббускорлик сиёсий етакчилик мезони» Республика кўрик-танловининг туман босқичи бўлиб ўтди. Ушбу тадбир Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Қоровулбозор туман кенгаши ҳамда хотин-қизлар кўмитаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.
- Қашқадарё вилояти Муборак туманида вилоят ҳокимлиги ҳамда «Камолот» ЁИХ вилоят кенгаши ташаббуси билан «Баркамол авлод — келажақ пойдевори» шиори остида ёшлар форуми ўтказилди. Вилоятнинг иқтидорли ёшлари, ёш спортчилар, турли танловлар ғолиблари ҳамда кам таъминланган оилалар фарзандлари тадбир иштирокчилари бўлишди.
- Бухоро шаҳрида қолбаса ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Асад. Азиз. Амирбек» масъулияти чекланган жамияти фаолият бошлади. Замонавий технологик ускуналар билан жиҳозланган ушбу корхона йилга 300 тоннагача гўштни қайта ишлаш қувватига эга бўлиб, ҳозирда 15 турдаги қолбаса маҳсулотлари савдо шохобчаларига етказиб берилмоқда.

## ЖАҲОНДА

- Кеча Италия вазирлар кенгашининг кескин иқтисодий чоралар режасини тасдиқлаши билан ушбу мамлакат евроҳудуд доирасида шундай йўл тутган Испания, Греция ва Португалиядан кейин тўртинчи давлат бўлди.
- Кеча Буюк Британия янги парламентнинг илк сессиясини қиролича Елизавета II очиб, янги ҳукумат мамлакатда радикал сиёсий ислохотларни амалга оширишни таъкидлаб ўтди.
- Ямайка пойтахти Кингстонда мамлакат полицияси, армияси ҳамда нарқобарон Кристофер Коук тарафдорлари ўртасида юз берган қуролли тўқнашувлар давомида сўнгги маълумотларга кўра 60 дан орტიқ киши ҳалок бўлган. Улар орасида полициячилар, ҳарбийлар, тинч аҳоли ва жангарилар бор.
- Бугун Буюк Британиянинг «Бритиш петролеум» компанияси Мексика кўрфазидаги шикастланган нефть платформасидан оқиб чиқаётган нефтни жиловлаш борасида тўртинчи уринишни амалга оширади. Бунда нефть чиқаётган тешикни махсус суюқлик ва цемент билан беркитишга ҳаракат қилинади. Мутахассисларнинг фикрича, бу галги уриниш 60-70 фоиз ижобий самара беришига умид қилинмоқда.
- Кеча «Евровидение — 2010» халқаро қўшиқлар танловининг дастлабки финалчилари аниқланди. Танлов ғолибларининг номи эса 30 майда маълум бўлади.
- Таиланд ҳукумати пойтахтда ва бир нечта вилоятларда қизил қўйлақларнинг оммавий норозилик намойишлари ўтказилиши муносабати билан мамлакатда яна комендантлик соатини жорий этди. Бу чора пойтахт Бангкок ҳамда 23 та музофотда бир ҳафта давомида амалда бўлади.
- Ҳиндистоннинг шарқий соҳилларида жунбушга келган «Лайла» довули 27 кишининг ҳаётига зомин бўлди.
- Япония ялли ички маҳсулот ҳажмининг ўсиши бўйича АҚШ ва Европа давлатларидан ўзиб кетди. Хусусан, мамлакатда жорий йилнинг дастлабки чорагида 1,2 фоиз ўсишга эришилган. Кейинги чорақда эса ушбу кўрсаткичнинг 4,9 фоизга етиши тахмин қилинмоқда. Бундай ижобий ҳолатта ҳукумат томонидан татбиқ этилган инқирозга қарши чоралар туфайли эришилган.
- Ипакка ишланган Хитойнинг XX асрдаги энг машҳур мусаввир ва хаттотларидан бири — Чжан Дацянинг «Аахензее» сурати Пекинда ўтказилган ким ошди савдосида рекорд даражадаги маблағ — 100,8 миллион юан (15 миллион доллар атрафиди)га сотилди.

## ҚИСҚА САТРАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **МИРЗО** Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида «Адвокатура кеча, бугун ва истикболда» мавзусида ҳуқуқшунослик факультети ташаббуси билан илмий-амалий анжуман уюштирилди.

✓ **БУГУН** Тошкент иختисослаштирилган хотин-қизлар коллежида Баркамол авлод йилига бағишлаб ўтказилган давра суҳбати «XXI аср ёшлари — жиноятчиликка қарши» деб номланди.

✓ **БУГУН** Юнусобод туманидаги 544-мактабга таълим муассасасида ота-оналар иштирокида «Хайр боғча — салом мактаб» мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

✓ **ЎЗБЕКИСТОН** Давлат консерваториясида санъат ихлосмандлари эътиборига «Булбулча» болалар ашула ва рақс ансамблининг ҳисобот-концерти ҳавола этилди.

# Инсон ва қонун

Айни пайтда «Соғлом она — соғлом бола» тамойилини ўзида мутасаддиқликни маънавий ҳужжатнинг замирида ҳам шу мақсад мужассам. Соғлом она — соғлом бола деганда, Президентимиз таъбири билан айтганда, жисмоний ва маънавий етук авлод шаклланиши, ёшларнинг имкониятлари ва салоҳиятини рўйбга чиқариши учун керакли тизимни яратиш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, замонавий билим ва касбга эга бўлиши, ҳаётда муносиб ўрин эгаллашни таъминлаш тушунилади. Шунинг учун ҳам соғлом зурриётни дунёга келтирувчи оналар соғлигини мустаҳкамлаш, уларни ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш асосий вазифамиз ҳисобланади.

Дарҳақиқат, аёл ҳақида сўз кетганда, инсон юраги меҳрга тўлади. Бу зотдан қўлам уйғонишни ўрганган бўлса, ёз ўзига ҳарорат олади. Оиланинг кўрки, ҳаётнинг гўзаллиги, келажакнинг давомийлиги, фарзандларнинг она меҳридан масрурлиги аёл боис. Ҳаёт аёл билан тотли. Аёл нурафшон оиламиз бекаси, чироғидир.

Аёлларимиз бугунги кунда штов билан дунё майдонига чиқиб бормоқда. Уларнинг санъат, тадбиркорлик, спорт, бошқа соҳаларда эришадиган ютуқлари ўзбек аёли ҳақида узоқ-яқин мамлакатларда гўзал тасаввур уйғота олади.

Мисол учун мусиқа соҳасида дунёнинг Париж, Рим, Берлин, Токио, Москва, Прага, Қоҳира, Сеул, Деҳли каби йирик маданият марказларида бўлиб ўтган халқаро кўрик-

танловларда 270 дан зиёд ўқувчи ва талабаларимиз голибликка эришгани, уларнинг деярли 50 фоизини қизлар ташкил этаётганини катта мамнуният билан таъкидлаш ўринлидир.

Кейинги уч йил ичида 1,5 мингга яқин истеъдодли спортчи ёшларимиз халқаро мусобақаларда зафар қозонган бўлса, уларнинг учдан бири айнан қизларимиз экани ҳам

**Мустақиллигимизнинг илк кунлариданоқ инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, аҳоли, айниқса аёллар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, жисмонан ва маънан етук авлодни тарбиялаш масалалари давлат сиёсати даражасида ўз ечимини топмоқда.**

ий ҳимоя йили» ва жорий «Баркамол авлод йили»да қабул қилинган Давлат дастурларининг ҳаётга татбиқ этилишида ҳам аёлга бўлган эътибор ва ғамхўрлик мужассам. Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига асосан оилаларнинг тиббий мадания-

чилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 2009 йил 1 июлдаги «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги Қарорлари аҳоли саломатлиги борасидаги вазифаларни белгилаб берди.

Мазкур қарорлар ижросини таъминлаш борасида Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси томонидан бошқа мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда аҳоли, айниқса, хотин-қизлар, никоҳдан ўтувчи ёшлар ўртасида соғлом оила қуриш, қариндош-уруғлар ўртасида никоҳнинг олдини олиш, никоҳланувчи шахсларнинг тиббий кўрикдан ўтиши, соғлом авлод туғилиши ва комил фарзанд тарбияланиши масалалари юзасидан тушунтириш ишлари изчил амалга оширилмоқда. Айниқса, маҳалла тизимида, лицей, коллеж, мактабларда «Ёш оила мактаби», «Оила — муҳаббат қасри», «Турмуш қуришга тайёрилик», «Соғлом она — соғлом бола», «Тиббий кўрикнинг аҳамияти», «Соғлом авлод — келажак пойдевори» каби мавзуларда ҳуқуқ-тартибот идоралари, ҳокимлик, ФХДЕ муассасалари, бир қатор жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда жисмоний ва маънавий етук авлодни тарбиялаш, ҳуқуқ ва тиббий маданиятни оширишга қаратилган тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

**Гулнора ИНОМЖОНОВА, Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси бўлими бошлиғи**

## СОҒЛОМ АВЛОД КАМОЛОТИ ЙЎЛИДА

албатта барчамизга ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, истиқлол ҳар биримизнинг ҳаётимизга ўзига хос янгиликлар инъом этди. Мустақиллик юртимиз хотин-қизлари тақдирига алоҳида маъно билан кириб келди. Аёлнинг жамиятдаги тенглиги, мавқеи, ўрни, ҳуқуқлари ҳар томонлама ҳимояланиб, давлат сиёсати даражасига олиб чиқилди. Аналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёл мавқеини ошириш, оилани мустаҳкамлаш борасида имтиёзлар яратишга қаратилган бир қатор қонун ва қонун-оли ҳужжатлари қабул қилинди. Хотин-қизлар ва эркекларнинг тенг ҳуқуқлилиги, никоҳнинг барқарор бўлиши, фарзанд тарбиясида ота-онанинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бир хиллиги Конституциямизнинг 46, 63-66-моддаларида ўз ифодасини топган.

1998 йил «Оила йили», 1999 йил «Аёллар йили», 2000 йил «Соғлом авлод йили», 2001 йил «Оналар ва болалар йили», 2007 йил «Ижтимо-

тини янада ошириш, аёллар соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши, фарзандлар тарбияси борасида зарур шароитлар яратишда саъй-ҳаракатлар қўламини кенг.

«Баркамол авлод йили» Давлат дастури ижроси йўлида фарзандларимиз саломатлиги, маънавий бой бўлиб ўлгайиши борасида ҳар биримиз зийрак ва сергак бўлишимиз баробарида, яна бир қатор масъулиятли вазифаларни адо этишимиз зарур. Соғлом авлод тарбиясида, ёшларимиз онгида пок туйғулар, муқаддас удулар, бурч ва мажбурият сабогини сингдириш ҳаракати кучайтирилди. Ёш оилаларга ғамхўрлик қилиш, уларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофазасини таъминлаш, ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш, ичкиликбозлик ва гивандлик иллатларидан, бошқа таҳдидлардан ҳимоя этишга жиддий эътибор бериш масъулияти юклатилди.

Мамлакатимиз Президентининг 2009 йил 13 апрелдаги «Она ва бола саломатлигини муҳофаза

## ҲУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИК САРИ

**Кун кеча Тошкент эстрада-цирк коллежида шаҳар Хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан «Элнажот» ташкилоти билан ҳамкорликда «Жамиятни демократлаштиришда хотин-қизларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш» мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди.**

Тадбирни очган шаҳар хотин-қизлар кўмитаси раиси Фарида Абдурахимова аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ҳақида фикр юритиб, бу борада мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўламли ишларга алоҳида тўхта-

либ ўтди. Семинар давомида хотин-қизлар ҳуқуқий маданиятини ошириш масалаларига бағишланган мутахассисларнинг маърузалари тингланди.

Тадбирда иштирок этган Яққасарой туманидаги олий ўқув юрталари, касб-хунар кол-

лежлари, академик лицейлар ва мактаблар қошида фаолият юритаётган «Қизлар клублари» фаоллари барча саволларига соҳа ходимларининг батафсил жавобларини олди.

**Шоҳиста МУҲСИМОВА**

**Солиқларни тўлаш барча учун мажбурий. Турли йўللار билан солиқдан қочишга ҳаракат қилиш эса жавобгарликка тортилишга сабаб бўлиши барчага кундай равшан.**

## НОҚОНУНИЙ ИШ — КЕЛТИРАР ТАШВИШ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютасизлик оид жиноятлар, жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш (СВОЖЖДЛҚ) департаменти Мировод тумани бўлими ходимлари томонидан амалга оширилган текоз тадбирлар натижасида пул топишни барча нарсадан устун қўйиб, солиқларни ҳам четлаб ўтишга ҳаракат қилувчи шахсларнинг жиноий қилмиши фош этилмоқда. Ана шундайлардан бири «Poroti Servis» МЧЖ директори Б.Маматраимовдир.

Олинган текоз маълумотлар асосида ўтказилган таҳлил натижасида «Poroti Servis» МЧЖ директори Б.Маматраимов корхона ҳисоб рақамидagi маблағларни ўзи билганча исталган жойга йўналтириб, қонунга хилоф иш тутган.

У 2010 йил 18-20 февраль кунларида корхонанинг ҳисоб рақамига қурилиш ишлари учун келиб тушган катта миқдордаги пул маблағларидан 7625893 сўм миқдорини солиқ тўлашга йўналтиришдан бўйин товлаб, шахсий эҳтиёжини қондиришни мақсад қилган ҳолда корхона фаолиятига умуман мос келмайдиган, шу билан бир қаторда юқори ликвидли (тез сотилувчан) маҳсулотларни сотиб олиш учун

сарфлаган. Жумладан, «Poroti Servis» МЧЖ ҳисоб рақамидаги 11.000.000 сўми — калава ип учун, 50.000.000 сўм — цемент учун, 34.000.000 сўм — гилам сотиб олиш учун ўтказилиб, жами 95.000.000 сўмлик юқори ликвидли маҳсулотларни пойтахт бозорларида нақд пулга сотганлиги ва бу билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 августдаги «Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори талабларини қўпол равишда бузганлиги аниқланди.

Ўз манфаатини давлат манфаатидан устун қўйиб, солиқларни четлаб ўтишга ҳаракат қилган Б.Маматраимов охири-оқибат қаттиқ пушаймон бўлди. Энди у қонун олдида жавоб беришга мажбур.

Мазкур ҳолат юзасидан «Poroti Servis» МЧЖ директори Баҳром Маматраимовга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 179,184 ва 189-моддаларининг тегишли қисм ва бандларига асосан жиноят иши қўзғатилди.

**Нодир МУҲАМЕДОВ, Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚ департаменти Мировод тумани инспектори**

# ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ИЖРОСИ УСТИДАН ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Экспорт қилишни рағбатлантириш ва янги ташқи бозорларга тайёр маҳсулот жўнатиш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш борасида олиб бориладиган тизимли ишлар натижасида экспорт ҳажмининг ўсиши таъминланди ва ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдосига эришилди. Жорий йилнинг биринчи чорагида Янги иш ўринларини барпо этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини амалда рўйбга чиқариш доирасида 215,4 мингта иш ўрни яратилди, шундан 150,1 мингтаси кишлоқ жойларда барпо этилди. Иш ўринларининг каттагина қисми кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида ташкил этилди. Ҳар томонлама камол топган ёш авлодни тарбиялаш учун мамлакатда зарур шарт-шароитлар яратишга қаратилган «Баркамол авлод йили» Давлат дастури тадбирларини фаол амалга ошириш ишлари бошланди.

Сийсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи томонидан саволлар берилиб, уларда электротартиб маънавиятига дахлдор ёндашуларга эътибор қаратилди.

Бўлиб ўтган муҳокама чоғида Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун ажратилган бюджет маблағларидан оқилона фойдаланиш устидан қатъий назорат олиб бориш зарурлигини ўқитди. Ўзбекистон Халқ демократик партияси вакиллари аҳолининг кам таъминланган қатламларини аниқ йўналтирилган ҳолда ижтимоий қўллаб-қувватлаш масаласини ёқлаб, ижтимоий эҳтиёжлар учун йўналтирилган маблағларнинг қонунга хилоф равишда сарфланиши устидан газначилик назоратини кучайтириш зарурлигини таъкидладилар. Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси аъзолари жойларда хусусий бизнесни режалли асосда ривожлантириш ва янги иш ўринлари яратишга тааллуқли чора-тадбирларни маъқуллаб, бу ишларни амалга оширишда депутатлар корпусининг фаол иштирок этиши бўйича аниқ таклифлар киритдилар. Бу таклиф Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракцияси вакиллари томонидан қўллаб-қувватланди. Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси «фан, таълим ва маданият» соҳаларини молиялаштириш кучайганлигини юқори баҳолаб, маблағлардан оқилона фойдаланиш учун янада самаралироқ механизмни ишлаб чиқиш тўғрисида таклиф киритдилар.

Депутатлар мамлакатни ривожлантириш, янгилаш ва модернизация қилишнинг тўғри танланган стратегияси туфайли ҳамда 2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастурини бажариш борасидаги саъй-ҳаракатлар ва имкониятларни сафарбар этиш натижасида ҳисобот даврида глобал молиявий-иқтисодий инқироз таҳдидлари ва хавфларига муваффақиятли қарши туришгагина эмас, балки иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг барқарор суръатларини таъминлашга, халқ турмуши ва фаровонлиги даражаси ўсишига эришилганлигини таъкидладилар. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мураккаб шароитларда мамлакатнинг Давлат бюджетини ижро этиш борасида катта ишларни амалга ошириш, бунда аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлаш ҳамда соғлиқни сақлаш, таълим, маданият соҳаларини ўз вақтида молиялаштириш масалаларига алоҳида эътибор берди. Утган йилда бюджет маблағларининг яримдан кўпроги ижтимоий соҳани ривожлантириш учун сарфланди.

Банк соҳасига зарур ёрдам кўрсатиш билан бир қаторда иқтисодиёт реал секторининг молиявий барқарорлигини қўллаб-қувватлаш, солиқ юқини камайтириш ҳамда экспортга йўналтирилган корхоналарга зарур имтиёзлар ва енгилликлар бериш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технология жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда диверсификация қилиш ҳисобида харажатларни камайтириш ва фойдани кўпайтиришга доир чора-тадбирлар ҳам Инқирозга қарши чоралар дастурининг энг муҳим устувор йўналишлари бўлди. Хизмат кўрсатиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаларига катта эътибор бериш инқирозга қарши туриш ҳамда иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлашда ҳал қилувчи аҳамият касб этди.

Ижтимоий-иқтисодий тараққиётда эришилган ютуқлар мамлакатимиз таълим олган мустақил ривожланишнинг дастлабки йилларидаёқ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилиб, илгари суртилган ҳамда жаҳон ҳамжамияти томонидан иқтисодий ислохотларнинг «Ўзбек модели» сифатида эътироф этилган бешта асосий принципга асосланган иқтисодиётнинг ислохот этиш йўли тўғрисида эълон қилинди.

Муҳокама чоғида депутатлар томонидан билдирилган барча фикр-мулоҳазаларни эшитиб ва муҳокама қилиб, Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2009 йилги ва 2010 йилнинг биринчи чорагидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тасдиқлади ҳамда тегишли қарор қабул қилди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг матбуот хизмати**



## ТИНГЛОВЧИЛАРГА СЕРТИФИКАТЛАР ТОПШИРИЛДИ

**Кейинги йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, аналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом авлод туғилиши ва тарбияси катта эътибор қаратилмоқда.**

Адлия вазирлиги ва шаҳар бошқармаси ташаббуси билан «Оила маросимлари» маркази қошида оила қуриш оstonасида турган ёшлар учун ташкил этилган «Оила — муқаддас Ватан» мактаби ҳам юқоридаги хайрли мақсадлар йўлида фаолият юритмоқда.

Мазкур тузилма томонидан Ўзбекистон Конституцияси, Фуқаролик ва Оила кодекслари, амалдаги қўллаб-қувватлаш ҳамда меъёрий ҳужжатлар ижроси, жумладан никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги низомининг моҳияти ва аҳамияти, «Болалар

ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенциянинг амалда қўлланилиши бўйича ёшларга тушунчалар бериб бориш орқали уларнинг ҳуқуқий ва тиббий билимини оширишга ҳисса қўшиб келинмоқда.

Кун кеча ушбу мактабнинг жорий ўқув йилидаги якуний машғулотли бўлиб ўтди. Унда ташкилотчилар томонидан фикр-мулоҳазалар билдирилиб, тингловчиларнинг билимлари яна бир бора синовдан ўтказилди.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, машғулотларга қатнашиб келаётган тиббиёт, алоқа, расомчилик, юридик, менежмент

ва технологиялар, транспорт касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг фаоллиги алоҳида эътироф этилди. Сўнгги машғулотда ҳам айнан шу таълим муассасалари ўқувчилари ўз маъруза мавзулари ва сахна кўринишлари билан кўпчилик эътиборини тортиди.

Тадбир якунида барча тингловчиларга сертификатлар ва эсдалик совғалари топширилди.

**Умида МАРДИЕВА, «Оила маросимлари» маркази мутахассиси СУРАТДА: тадбирдан лавҳа Козим Улмасов олган сурат**

**«Ёшлик» талабалар шаҳарчаси шундай бир гўшаки, унинг мўъжаз бўлишига қарамасдан, бениҳоя улғувор кўриниши ажиб бетақдорлик касб этади. Айтиш мумкинки, шаҳарчамизнинг бундай гўзал ҳусн-таровати бевосита шу ерда истиқомат қилувчи талаба-ёшларнинг меҳнати натижасида вужудга келган.**

**Маънавият сабоқлари**  
**ТАБИАТНИ ЭЪЗОЗЛАШ**  
**МУҚАДДАС БУРЧИМИЗ**

Ана шундай фаол талабаларни кўллаб-қувватлашни қанда қилмайдиган шаҳарчамиз ҳокимлиги томонидан яқинда бир гуруҳ ёшлар учун Чимён тоғ бағрига экосаёҳат уюштирилди.

Осмон бағри энди ёришиб бораётганда йўлга отланган гуруҳимиз кўёш нури порлай бошлаганда, аллақачон виқорли тоғлар билан ўралган жонли табиат бағрига кириб борган эди. Бизни хуш қабул қилган она табиатнинг инояти билан бутун кун давомида кўёш илиқ нурларини атрофга беминнат таратди.

Саёҳатимиз бевосита табиатни асраб-авайлаш, унда пайдо бўлаётган муаммолар сабабини аниқлаш ва олдини олиш мақсадида ташкил этилганлиги боис даставвал «Табиат билан ҳамнафас яшайлик» мавзусида семинар-тренинг ўтказилиб, унинг доирасида экология йўналишида таҳсил олаётган талабаларнинг маърузалари тингланди, бу борада атрофлича фикр-мулоҳазалар юритилди. Табиатни асраш бўйича билдирилган энг яхши таклиф учун рағбатлар ҳам бўлди.

Кўтаринки кайфиятда бошланган кун ота-боболаримиздан мерос қолган миллий спорт — кўпқари уйини билан давом этди. Унда Алпомиш авлодларининг улоқ чопишини бир кўрганингизда эди! Буни қарангки, Барчиной шахтли лобар қизларимиз ҳам йигитлардан қолишмаган ҳолда отда улоқ чопдиларки, беихтиёр аждодларга муносиб авлодлар етишаётганидан фахрландик.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ёшларимизнинг бари ўзига яраша иктидорга эга ва истеъдодли бўлгани боис ҳам саёҳатимиз мазмунли, серқирра, бадий саҳна кўринишлари, куй-кўшиқларга бой тарзда ўтди. Айниқса талабалар турар жойлари кенгаши раислари ўртасида уюштирилган кураш мусобақаси катта таассурот қолдирди.

Саёҳат сўнггида ён-атрофдаги чқиндиларни бир жойга йиғиб, она табиатимизни асраш йўлида оз бўлса-да ҳисса қўшганимиздан шод бўлдик.

Гўзал Чимён бағрида ўтган дамларим бетакрор ёшлигимнинг нузли саҳифаси сифатида бир умрга қалбимдан жой олади. Шуни ҳам тўла ишонч билан айта оламаники, худди шу ҳиссиёт мён қатори барча тенгдошларим кўнглидан кечди.

**Гулчехра ХОЖИЕВА,**  
**Ўзбекистон Миллий университети хоржий филология факультети талабаси**

**ЁШ ОЛИМЛАР АНЖУМАНИ**

**Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти, «Шарқ аёли» жамоат жамғармаси ҳамкорлигида «Ўзбекистон тарихининг долзарб масалалари ёш олимлар тадқиқотларида: асосий йўналишлар ва ёндошувлар» мавзусида илмий конференция бўлиб ўтди.**

Анжуманда ижтимоий-гуманитар йўналишидаги илмий-тадқиқот институтлари ва олий ўқув юртларининг магистрант ва аспирантлари, ёш фан номзодлари иштирок этди. Конференцияга халқаро ташкилотлар вакиллари, экспертлар таклиф этилди.

Тадбирда таъкидлаб ўтилганидек, иккинчи марта конференция ташкил этилишидан кўзланган мақсад ёш тадқиқотчиларнинг ўзаро ҳамкорлигини йўлга қўйиш, фанлардаги янги долзарб масалалар юзасидан илмий, назарий-услубий алмашувни таъминлашдир. Анжуманда профессор ва етакчи олимларнинг мамлакатимиз тарихини ўрганишда фойдаланилаётган асосий қўлланмалар юзасидан маърузалари тингланди, тарих фани олдида турган муҳим масалалар устида кўплаб фикрлар алмашилди.

Асосий чиқишлардан сўнг конференция «Қадимги ва илк ўрта асрларда Ўзбекистон ҳудудида давлат бошқаруви ва ишлаб чиқаришнинг шаклланиши ҳамда ривожланиши», «Ўрта асрлар даври тарихининг асосий йўналишлари ва ёндошувлар» ва «XIX аср иккинчи ярми — XX асрда сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёт: янги талқин ва қараш-



лар» мавзуларига оид шўъбаларга бўлинган ҳолда давом эттирилди. Ёш олимлар археологик изланишлари, сўғд, араб, форс ва бошқа тилларда ёзилган қўлёзма манбаларни ўрганиш натижасида Ўзбекистонда давлатчиликнинг шаклланиши ва тараққиёт босқичлари, халқаро алоқалар тарихининг муҳим хусусиятлари, урбанизацион ва

маданий жараёнлар ҳақида мулоҳазалар билдирди.

Анжуман якунида энг яхши илмий маърузачи деб топилган ёш олимлар диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Дилором ИКРОМОВА СУРАТДА: анжуман иштирокчилари даврасида. Козим Ўлмасов олган сурат**

**Танловлар**

**АРХИВШУНОС**  
**ЁШЛАР БЕЛЛАШУВИ**

**Баркамол авлод йили муносабати билан давлат архивлари тизимида ҳам ёш мутахассис кадрларни рағбатлантириш ва ишга жалб этиш мақсадида қатор тадбирлар ўтказилмоқда. Кун кеча Илмий-техникавий ва тиббиёт ҳужжатлари марказий давлат архиви томонидан Ўзбекистон Миллий университети тарих факультети билан ҳамкорликда «Архивлар — тарих кўзгуси» мавзусида кўриктанлов ўтказилди.**

Танловда факультетнинг «Архившунослик» йўналиши бўйича таҳсил олаётган талабалар беллашди. «Уй вазифаси» шартлида улар республикамизнинг етакчи архивлари тарихи ва бугунги кундаги фаолиятини ўрганиб, мустақил изла-

нишлар олиб борган ҳолда тайёрлаган фото-альбомлари билан қатнашди. Кейинги шартга асосан талабалар Марказий давлат архиви иштини ахборотлаштириш ва модернизациялаш ҳақида гранти доирасида жорий қилинган иннова-

цион дастур бўйича билимини синовдан ўтказди.

Натижаларга кўра «Архивлар билимдон» 2010» ва «Гуруҳини ҳаракатлантирувчи куч» номинациялари бўйича солвирдорлар аниқланиб, ташкилотчилар томони-

дан ёрлик ва совғалар билан тақдирланди.

Танлов доирасида бўлажак мутахассисларнинг архив фаолиятига қизиқишини янада ошириш мақсадида Марказий давлат архиви билан ҳамкорликда архив ҳужжатлари кўргазмаси ҳам ташкил қилинди.

Айтиб ўтиш жоизки, бугунги кунда архив идораларининг замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминланиб, электрон ҳужжат айланиши ташкил этилгани, нодир ҳужжатларнинг электрон шакллари ва сугурта фондлари яратилаётгани ҳам ёшларнинг илмий изла-

**Муҳайё МУСАЕВА,**  
**Илмий-техникавий ва тиббиёт ҳужжатлари марказий давлат архиви илмий ходими**

**ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР / ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР**

**Хўрматли ишбилармон ва тадбиркорлар!**

**«Тошкент қишлоқ хўжалик маҳсулотлари улгуржи бозори» очик акциядорлик жамияти жамият ҳудудида жойлашган биналардаги бўшаган майдонларни ижарага олишни таклиф қилади.**

Фаолият тури	Соғи	Майдони
1 Умумий овқатланиш	1	164
2 Умумий овқатланиш	1	148
3 Умумий овқатланиш	1	331,5
4 Умумий овқатланиш	1	363
5 Умумий овқатланиш	1	152
6 Умумий овқатланиш (донали таом тайёрлаш)	1	72
7 Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан савдо қилиш тармоғи	1	72
8 Савдо бокслари (қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари)	2	36
9 Телефон алоқа хизмати	7	4-18
10 Офис	1	90
11 Бошқа турдаги	1	209,5
12 Бошқа турдаги	1	18
13 Бошқа турдаги	1	36

**Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Тошкент автомобиль ҳалқа йўли, «Тошкент қишлоқ хўжалик маҳсулотлари улгуржи бозори» ОАЖ. Маълумот учун телефон: 295-96-52**

**Республика кўп тармоқли Агроеконом биржаси Тошкент филиали баҳоси босқичма-босқич охири тартибда ўтказилаётган очик аукцион савдосига таклиф этади!**

1. Аукцион савдосига Ҳамза тумани СИБ томонидан 15.06.2009 йилдаги № 2-35/2009-сон ижро варақасига асосан Тошкент шаҳар Ҳамза тумани Мўйноқ кўчаси, 241-уй саклаш майдончасида сақланаётган қуйдаги автотранспорт воситалари: 2006 йилда ишлаб чиқарилган дав.бел. 01 К 335 АА бўлган «Ласетти» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда, бошланғич нархи — 18 904 665 сўм. 2. 15.06.2009 йилдаги № 2-35/2009-сон ижро варақасига асосан 1996 йилда ишлаб чиқарилган дав.бел. 30 А 4826 бўлган «Тико» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда, бошланғич нархи — 2 860 000 сўм. 3. Аукцион савдосига Тошкент тумани СИБ томонидан 22.01.2010 йилдаги № 5-239/2010-сон ижро варақасига асосан Тошкент тумани МЧЖ «Кўк терак матлубот инвест» оғборхонасида сақланаётган 1989 йилда ишлаб чиқарилган дав.бел. 11 Т 7489 бўлган «Ваз-21061» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда, бошланғич нархи — 3 333 550 сўм. 3. Аукцион савдосига Тошкент тумани СИБ томонидан 22.01.2010 йилдаги № 4/2010-сон ижро варақасига асосан Тошкент тумани МЧЖ «Кўк терак матлубот инвест» оғборхонасида сақланаётган 2009 йилда ишлаб чиқарилган дав.бел. 10 N 501 ВА бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда, бошланғич нархи — 13 537 742 сўм.

Тузатиш: «Тошкент оқшоми» газетасининг 2010 йил 20 майдаги № 97-сон ва «Ишонч» газетасининг 2010 йил 20 майдаги № 60-сонда эълонга берилган - 1. Аукцион савдосига Учтепа тумани СИБ томонидан 05.04.2010 йилдаги №10589-сон ижро ҳужжатига асосан сўзлари ўрнига - 1. Аукцион савдосига Юнусобод тумани СИБ томонидан 05.04.2010 йилдаги №10589-сон ижро ҳужжатига асосан деб ўқилсин.

Аукцион савдолари 2010 йилнинг 29 июнь кунини соат 11:00 да Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада ўтказилади. Талабдорлар диққати! Юқоридаги кўчмас мулк 2010 йил 29 июндаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, мазкур кўчмас мулкни сотиш юзасидан тақрорий аукцион савдоси 2010 йилнинг 15 июль кунини бўлиб ўтишини аввалдан маълум қиламиз.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабдорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини хар бир мулк учун алоҳида тартибда, РКТАСнинг Тошкент филиали депозит ҳисоб рақамига 20208000304632976002, АТИБ «Ипотека банк» Шайхонтоҳур филиали, МФО 00425, ИНН 206 852 268, ОКОНХ 81200 га тўлашлари шарт.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабдорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш ким ошди савдоси ўтказилишига бир кун қолганда тўхтатилади.

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Беруний кўчаси, 83-уй. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61. Лицензия: ДВ 001 3 № 000003**

**Сўраш,**  
**жавоб берамиз**

**Шахс, фуқаро деганда, ким тушунилади? Шу ҳақда маълумот берсангиз.**

**Ю.Арзиева,**  
**Бектемир тумани**

Фуқаролар (жисмоний шахслар) деганда, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, бошқа давлатларнинг фуқаролари, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахслар тушунилади.

Агар қонунда бошқача белгиланган бўлмаса, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг қоидалари барча фуқароларга нисбатан қўлланилади.

Барча фуқароларнинг фуқаролик ҳуқуқи ва бурчларига эга бўлиш лаёқати (ҳуқуқ лаёқати) тенг равишда эътироф этилади. Фуқаронинг ҳуқуқ лаёқати у туғилган пайдан эътиборан вужудга келади ва вафот этиши билан тугайди.

Фуқаролар мулк ҳуқуқи асосида мол-мулкка эга бўлиши, мол-мулкни мерос қилиб олиши ва васият қилиб қолдириши, банкда жамғармаларга эга бўлиши, тадбиркорлик, деҳқон (фермер) хўжалиги билан шуғулланиши, ёлланма меҳнатдан фойдаланиши, юридик шахслар ташкил этиши, битимлар тузиши ва мажбуриятларда иштирок этиши, етказилган зарарнинг тўлалигини талаб қилиши, машғулот турини ва яшаш жойини танлаши, фан, адабиёт ва санъат асарларининг, ихтироларнинг, қонун билан қўриқланадиган бошқа интеллектуал фаолият натижаларининг муаллифи ҳуқуқига, бошқа мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

Агар қонун бўйича ёки миллий одатдан бошқача тартиб келиб чиқмаса, фуқаро ўз фамилияси ва номидан, шунингдек отасининг исми билан ҳуқуқ-бурчларга эга бўлади ҳамда уларни амалга оширади. Қонунда назарда тутилган тартибда фуқаро тахаллусдан (тўқилган исмдан) фойдаланиши мумкин.

Фуқаро қонунда белгиланган тартибда ўз исмини ўзгартиришга ҳақли. Фуқаронинг ўз исмини ўзгартириши аввалги исми билан олган ҳуқуқ ва бурчларини бекор қилиш ёки ўзгартириш учун асос бўлмайди. Ўз исмини ўзгартирилганлиги ҳақида қардорлари ва кредиторларига хабар бериш учун фуқаро зарур чораларни кўриши шарт ва у мазкур шахсларда фуқаронинг исми ўзгарганлиги ҳақида маълумот йўқлиги туфайли келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатлар хавфини ўз зиммасига олади. Исмини ўзгартиргач, ўзининг аввалги исмига расмийлаштирилган ҳужжатларга ўз ҳисобидан тегишли ўзгартиришлар киритилишини талаб қилишига ҳақли. Фуқаро туғилган вақтида олган исмини, шунингдек ўзгартирилган исмини фуқаролик ҳолати ҳужжатларини қайд этиш учун белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиши керак. Бошқа шахс исмидан фойдаланиб, ҳуқуқ ва бурчларга эга бўлишга йўл қўйилмайди.

Ўз исми билан яшаш ҳуқуқига эътироз билдирилаётган ёки исмидан қонунсиз фойдаланилаётганлиги муносабати билан манфаатлари бузилаётган шахс манфаатларини бузувчидан бундай ҳаракатларга чек қўйиши ва раддия беришни талаб қилиши мумкин. Агар манфаатлар қасдан бузилаётган бўлса, жабрланган шахс қўшимча суратда зарарни қоплашни, зарарни қоплаш учун манфаатини бузган шахснинг даромадини беришни талаб қилиши мумкин. Манфаат қасдан бузилганида жабрланувчи маънавий зиённинг қоплалишини ҳам талаб қилиш ҳуқуқига эга. Исм ёки шахсий шаън эгаси бўлмаган, лекин оилавий маънаёга кўра бундан манфаатдор бўлган шахс Фуқаролик кодексининг 20-моддаси биринчи қисмида кўрсатилган ҳаракатларга чек қўйиш ёки раддия бериш ҳақидаги талабларни қўйиши мумкин. Бу шахс бошқа шахснинг ўлиmidан кейин ҳам унинг исмини ва шаънини ҳимоя қилишга қаратилган талабларнинг бажарилишига ҳаракат қилса бўлади. Исмни ва шаънини бузиш туфайли келтирилган зарарни қоплаш талаби ўлиmidан кейин тан олинмайди.

**Васила КАРИМОВА,**  
**Мухаррам ТУРСУНХЎЖАЕВА,**  
**Чилонзор тумани 1-давлат**  
**нотариал идораси нотариуслари**

Тузатиш: «Тошкент оқшоми» газетасининг 21.04.2010 йилдаги №76(11.637)-сонда чоп этилган «Республика Кўчмас мулк биржаси» ЕАЖнинг аукцион савдосига чиқарилган «Деҳқонсавдо» бирлашмасига тегишли автотранспорт воситаларининг тақрорий аукцион савдолари 2010 йил 3 июнь ва 10 июнь кунини соат 11:00дан бошлаб бўлиб ўтади, деб ўқилсин. Тел: 228-79-52.

«Универсиада – 2010»

## МУСОБАҚАЛАР ҚИЗИҚАРЛИ ҲАҚИДА

Бир неча кундан сўнг Андижон вилоятида олий ўқув юрлари талабалари ўртасида «Универсиада – 2010» мусобақаларининг якуний босқичи бошланади.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёш авлодни баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, уларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун зарур шароит яратиш, иқтидор эгалларини қўллаб-қувватлашга доимий эътибор қаратилмоқда.

«Универсиада – 2010» баҳсларида Тошкент шаҳри терма жамоаси таркиби асосини Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти, Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети талабалари ташкил этди. Терма жамоа 2004 йил Самарқандда ва 2007 йил Тошкентда ўтказилган мусобақаларда эришган муваффақиятларини давом эттириш учун зўр иштиёқ билан тайёргарлик кўрди.

– Бу йилги Универсиаданинг

енгил атлетика баҳсларида Ришод Собиров, Ботир Акманов, Бахтиёр Худойбердиев, Гулнора Шоаъзамова, Наталья Асанова, Надежда Дусанова сингарии иқтидорли талабалар иштирок этади, – дейди енгил атлетика бўйича Тошкент шаҳар терма жамоаси бош мураббийи Мухсин Олимов. – Бу талабаларнинг кўпчилиги бир неча бор мамлакат чемпионатида ғолиб бўлган ва миллий терма жамоамиз таркибига халқаро мусобақаларда юқори натижаларга эришган спортчилардир.

Пойтахт терма жамоасининг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, талабалар орасида нафақат мамлакатимизда, балки жаҳон спорт ареналарида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб келаётган талабалар кўп.

Дзюдо бўйича Пекин Олим-

пиадаси совриндори Ришод Собиров, кураш бўйича икки карра жаҳон чемпиони, жанговар яккакурашлар бўйича I Осий ўйинлари ғолиби Шерали Жўраев, белбоғли кураш бўйича жаҳон чемпиони Темир Шокиржонов, енгил атлетика бўйича Ёлчи иншоотлардаги III Осий ўйинлари олтин медали совриндори Надежда Дусанова каби кўплаб йигит-қизлар Андижонда бўладиган беллашувларда муносиб иштирок этади.

– Ўзбекистонлик ҳар бир спортчи учун «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада каби мусобақаларнинг аҳамияти бекиёс, – дейди Олимпиада ўйинлари совриндори Ришод Собиров. – Чунки бу тизим ёшларимизга ҳаётда ўз ўрнини топиши билан бирга ўқувчи-талабалар ўртасида аҳилликни мустаҳкамлаш, ис-



теъодларни кашф этишда муҳим омил бўлмоқда.

Бу йилги мусобақада қатнашадиган терма жамоа аъзолари орасида спортдаги фаолиятини энди бошлаётган истеъдод эгалари ҳам бор.

– Юртбошимиз ташаббуси билан жорий қилинган уч босқичли спорт ўйинлари мамлакатимиз ёшларининг спортга бўлган меҳрини оширишга хизмат қилмоқда, – дейди Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти I босқич талабаси Зулайхо Тожиева. –

Мен 2008 йил Нукус шаҳрида академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари ўртасида ўтказилган «Баркамол авлод» мусобақасида қумуш медалга сазовор бўлган эдим. Бу йилги Универсиадада қўл тўпи бўйича Тошкент шаҳар қизлар терма жамоаси таркибига иштирок этман. Жамоадолларим билан биринчи ўринни қўлга киритишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдим.

Байрам АЙТМУРОВОВ,  
ЎЗА мухбири

## Спорт янгиликлари

Ўзбекистон Миллий Паралимпия ассоциацияси томонидан Ўзбекистон Шахмат федерацияси шаҳар бўлими билан ҳамкорликда Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишлаб махсус ўқув муассасалари тарбияланувчилари ва жаҳон ҳамда қитъа чемпионлари С.Зайнуллоев ва А.Аноркулов билан бир вақтда ўйналадиган шахмат мусобақаси ташкил этилди.

## БОЛАЖОНЛАР УЧУН МАҲОРАТ МАКТАБИ

Ушбу мусобақа ёш спортчиларнинг маҳоратини ошириш, бўш вақтини мазмунли ўтказиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида уюштирилди.

Устоз шахматчилар хусусида сўз юритадиган бўлса, Сирожиддин Зайнуллоев 2004

йил Германияда ва 2008 йил Швейцарияда ўсмирлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатларида олтин медалларни қўлга киритган. У бир неча бор Ўзбекистон чемпиони бўлган.

Алишер Аноркулов 2008 йил Швейцарияда ўтказилган жаҳон чемпионатида қумуш

медал соҳиби бўлган. Осий чемпиони ва бир неча бор Ўзбекистон чемпиони.

Мусобақада Тошкент шаҳридаги 100,101,102 ва 106-махсус мактаб тарбияланувчилари, ихтисослаштирилган республика касб-хунар коллежи ўқувчилари иштирок этади. Улар би-

лан уста шахматчилар бир вақтнинг ўзиде 27 та тахтада донга сурди.

Турнир давомида иқтидорли ўқувчи Доинёр Мамараимовга жаҳон чемпиони Сирожиддин Зайнуллоев устидан ғалаба қозониш насиб этди.

Дилмурод ИСМОЙЛОВ

## ТЕМИРЎЛЧИЛАР ҒАЛАБАСИ

Мамлакат XIX миллий чемпионати профессионал футбол лигаси жамоалари ўртасида уюштирилган ўнинчи тур баҳслари «Локомотив» – «Хоразм» жамоалари учрашуви билан ниҳоясига етди.

Вадим Абрамов Ўзбекистон миллий терма жамоасига бош мураббийликка тайинланган, темирўлчилар чемпионати учрашувларида кетма-кет мағлубиятга учраб, мухлисларини ранжитишга ётган эди. Очигини айтганда, ғалаба «Локомотив»га сув билан ҳаводек зарур эди. Шу боисми темирўлчилар анча сермазмун ўйин намойиш этди. Меҳмонлар дарвозаси томон кўп марта чиройли комбинациялар, хавфли ҳужумлар уюштирилди. Бу ўз самарасини берди. Шу кунги мухлислар учта голнинг гувоҳи бўлди. Учрашув 2:1 ҳисобида тошкентликлар ғалабаси билан якунланди. Дарвозаларга голларни «Локомотив»дан Умрзоқов, Жабборов, «Хоразм»дан — Холмуродов киритди.

Мамлакат XIX миллий чемпионатининг 11-тур баҳслари 27, 28, 29 май кунлари бўлиб ўтди.

Шаҳримизда футбол бўйича бўлиб ўтаётган Осий чемпионати қизгин паллага кирди.

## ФУТЗАЛЧИЛАРИМИЗ — КЕЙИНГИ БОСҚИЧДА

Осий чемпионати гуруҳ баҳсларининг иккинчи туридан сўнг Ўзбекистон терма жамоаси кейинги босқич йўлнамасини нақд қилиб қўйди. Ўзбекистон — Индонезия терма жамоалари баҳсида 4:2 ҳисобида ҳамюртларимиз ғалаба қозонди ва ўз гуруҳларида пешқадам бўлиб олди.

Қолган учрашувлар қуйидагиларга якунланди: Хитой Тайпейи — Ливан — 4:6, Тожикистон — Қувайт — 4:3, Австралия — Эрон — 3:9, Жанубий Корея — Таиланд — 3:10, Киргизистон — Вьетнам — 4:2, Хитой — Туркменистон — 6:2, Ироқ — Япония — 1:0.

Футзал бўйича Осий чемпионати гуруҳ баҳсларининг учинчи турида мамлакатимиз терма жамоаси аъзолари Хитой Тайпейи терма жамоаси билан куч синашди.

Ақбар Йўлдошев

## НИГИНА — БОШ СОВРИН СОҲИБАСИ

Истанбул шаҳрида теннис бўйича ўсмирлар ва қизлар ўртасида ўтказилган Халқаро теннис федерацияси (ITF) туркумига кирувчи «Nazmi Bari Cup» турнири ўзбекистонлик Нигина Абдураимова ғалабаси билан якунланди.

Қизлар ўртасидаги яққалик баҳсларида қатнашган олтинчи тур нафар спортчи ўртасида энг кучли теннисчи сифатида биринчи рақамда сараланган Нигина Абдураимова финалга чиқиш учун россиялик Ирина Лидковскаяни 6:4, 6:3, грузиялик Тамара Цхакаяни 6:0, 6:0, исроиллик Шани Блехерни 6:1, 6:2, украиналик Валерия Страховани 6:2, 6:1, португалиялик София Араужони 6:3, 6:1 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Истеъдодли теннисчимиз финалда Буюк Британия вакиласи Кати Данн билан куч синашиб, рақибасидан 7:5 ва 6:4 ҳисобида устун келди.

1994 йилда туғилган Нигина Абдураимова ўн ёши-

дан бери теннис билан шуғулланади. 2007 йилдан буён Халқаро теннис федерацияси (ITF) мусобақаларида қатнашиб келаётган ҳамюртларимиз илк ғалабасига 2009 йили ўтказилган «Nazmi Bari Cup» турнирида эришган. Шу йилнинг ўзиде Туркиядаги яна бир турнир — «Enka ITF Junior — 2009» ҳамда мамлакатимиздаги «Fergana Cup» ва «NBU Cup» мусобақаларида ғолиб чиққан.

Н.Абдураимова ўтган ойда Наманганда ўтказилган халқаро теннис турнирида ҳам зафар кучган эди.

Зоҳир ТОШХУҲАЕВ,  
ЎЗА шарҳловчиси

Инсон бу ёруғ оламга келар экан, маълум мақсад ва орзулар билан яшайди. Шу йўлда тер тўқади, меҳнат қилади. Аммо орамизда ҳалол меҳнатдан бўйин товлайдиган, бу йўлда жиноят кўчасига кириб қолишдан ҳам тоймайдиган кимсалар учраб туради.

Алишер Солиҳов, Аббос Авазов, Алибек Қурбоновлар (келтирилган исм-шарифлар ўзгартирилди) ана шу тоифадагилар сирасига киради. Алишер Солиҳов жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар судининг 2005 йил 18 январдаги ҳукмига кўра, 4 йил озодликдан маҳрум этилган. Жиноий фаолиятини такроран давом эттирган А.Солиҳовга нисбатан жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят Зангиота туман судининг 2006 йил 5 апрелидаги ажримига кўра, ўтказилган 2 йил 6 ой 29 кун жазоси ЖКнинг 74-моддаси тартибиде шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган ва 2008 йил 20 апрелида тўлиқ ўтаган. Жиноий гуруҳнинг иккинчи аъзоси Аббос Авазовга нисбатан жиноят ишлари бўйича Яккасарой тумани судининг 2008 йил 3 июндаги ҳукмига кўра, ойлик иш ҳақининг 20 фоизи миқдориде давлат ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш жазоси тайинланган, аммо амнистия туфайли жазодан озод этилган. Жиноий гуруҳнинг учинчи аъзоси Алибек Қурбонов

гарчанд муқаддам жиноий хатти-харақатлар содир этмаган бўлса-да, ҳеч қаерда ишламаган.

ортидан туриб, уларнинг кимлигини суриштиради.

— Биз қўшнингизмиз, — дейди жи-

## Хукм ўқилди

## ҚИЛМИШ-ҚИДИРМИШ

... Ўша кун А.Солиҳов, А.Авазов, А.Қурбоновлар спиртли ичимлик истеъмол қилишди. Бироз сархуш тортишгач, олдиндан келишиб қўйилган жиноий режани амалга ошириш устида бош қотира бошлашди. Шаҳримиздаги кўп қаватли уйлариинг бирида ижарада яшовчи, Алишер Солиҳовнинг таниши Шаҳло Камоловага тегишли мулкни талон-тарож қилишга аҳд этишди. Жиноий гуруҳ 2008 йил 6 ноябрь кун соат 21.30 ларда Ш.Камоловнинг ижара уйига боради. Табиийки, бемаҳалда ташриф буюрган тунги «меҳмонлар»ни хушламайроқ қарши олган ижара уй соҳибаси эшик

ноятчилар.

— Кеңирасизлар, эшикни очолмайман. Эртага келганингиз маъқул...

Мулойим оҳангдаги муомала билан қармоққа илинган «лаққа»ни қўлга тушира олишга кўзи етмаган учовлон сал дағалроқ, юракка ғулу соладиган оҳангда:

— Биз профилактика нозирларимиз. Сизнинг уйингизни текшириб кўришимизга рухсатномамиз бор. Очинг тезроқ, — дея бақирди-чақирди қилишди.

«Бундай маҳалда уйни текшириш нима учун керак бўлиб қолди?», деган фикр хаёлига ҳам келмаган содда қиз

эса жиноятчиларнинг алдовига учган ҳолда эшикни очди. Кейинги воқеалар кишида таассуф уйғотди. Босқинчилар Ш.Камоловага пичоқ ўқталиб, қўрқитиш йўли билан 100.000 миқдоридеги нақд пул, нархи 200.000 сўмлик «NOKIA-16,901» русумидаги уяли телефон аппарати, жами 390.000 сўмлик мол-мулкни босқинчилик билан талон-тарож қилган ҳолда воқеа жойидан яширинади.

Олиб борилган суриштирувлар натижасида ҳар учала жиноятчиларнинг шахси аниқланди.

Мазкур жиноий ҳолат юзасидан олиб борилган суд мажлисида айбланувчиларга нисбатан чиқарилган ҳукм ўқиб эшиттирилди. Унга кўра Алишер Солиҳовга ЖКнинг бир неча моддаларига асосан муқаддам жиноят ишлари бўйича ҳукмига кўра, жарима жазосини тўлиқ қўшиш йўли билан 12 йил, Аббос Авазовга ҳам ЖКнинг 164-моддаси 3-қисми «в» бандига асосан 12 йил, Алибек Қурбоновга худди шу модда билан 10 йил муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси белгиланди.

Нодир АКБАРОВ,  
жиноят ишлари бўйича Яккасарой тумани суди судьяси  
Хидирали ПАНЖИЕВ

ОЗ=ОЗ ЎРГАНИД  
ДОМО БИЛУҲ

Маҳмуд ТОИР,  
Ўзбекистон халқ шоири

## ИККИЛИКЛАР

Кўзларинг олдида  
тутилган парда,  
Ҳасад хитобидан тўқилган  
зарда.

\*\*\*

Қалам шоир учун  
қўлдаги тилло,  
Бу тилло таъмани  
ёқтирмас илло.

\*\*\*

Тиз чўқсанг тиловат  
қилмоқ учун чўқ,  
Ўзингдаги ўзни билмоқ  
учун чўқ.

\*\*\*

Дилинг оловланса қоғоз  
ёқмагин,  
Тулпорни тушовлаб  
эшак боқмагин.

\*\*\*

Қўлингдан келган иш  
юзинг чироғи,  
Етиб бўлмас манзил  
имкон фироғи.

\*\*\*

Одобинг ўзингни ўз  
қилгувчидир,  
Бил, вафо сўзининг сўз  
қилгувчидир.

\*\*\*

Тикилган кўзларнинг  
тикони бордир,  
Вале, асрагувчи  
Парвардигордир.

\*\*\*

Қаҳр ҳар қозоннинг  
қароси гўё,  
Меҳр аланганинг зиёси гўё.

\*\*\*

Таомларнинг шоҳи онанг  
ёпган нон,  
Дастурхоннинг моҳи  
боланг топган нон.

\*\*\*

Тунлар гар кўнгилнинг  
бедорлиги бор,  
Жисмингдаги жоннинг  
хушёрлиги бор.

\*\*\*

Таваккал тошига  
кўксингни тутма,  
Учраган ҳар касдан  
оқибат кутма.

\*\*\*

Меҳрнинг малҳами  
ҳар жойда олий,  
Меҳринг чашмасидан  
жом тут, эй соқий.

\*\*\*

Ўзга ризқи ботмайди, ошна,  
Ошни катта ошлашга шошма.

\*\*\*

Бу олам бозори одамга тўла,  
Бу олам мазори одамга тўла.

(Давоми бор)



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР  
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир  
Акmal АҚРОМОВ

Манзил: 100029,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

## ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: 233-28-95,  
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба  
ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар  
Матбуот ва ахборот  
бошқармасида 02-1-рақам  
билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,  
офсет усулида босилади.  
586 нускада босилади.  
Қағоз белини А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича  
турар жойлардаги почта бўлимларига ёки  
«Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига  
муурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомини» компьютер  
марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси  
босмаохонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

123 5